

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХИКМАТУЛЛАЕВА АЗИЗА САЙДУЛЛАЕВНА

**HBV, HDV ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИ (КЛИНИКА, ТАШҲИС
ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ПРОГНОЗИ)**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the Doctoral (DSc) Dissertation abstract

Хикматуллаева Азиза Сайдуллаевна

HBV, HDV этиологияли жигар циррози (клиника, ташҳис ва иқтисодий юкни инобатга олган ҳолда прогнози)..... 3

Хикматуллаева Азиза Сайдуллаевна

Цирроз печени HBV, HDV этиологии (клиника, диагностика и прогнозирование с учетом экономического бремени)..... 29

Khikmatullaeva Aziza Saidullayevna

Liver cirrhosis of HBV, HDV etiology (clinic, diagnostics and prognosis taing into account the economic burden)..... 54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВИРУСОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

ХИКМАТУЛЛАЕВА АЗИЗА САЙДУЛЛАЕВНА

**HBV, HDV ЭТИОЛОГИЯЛИ ЖИГАР ЦИРРОЗИ (КЛИНИКА, ТАШҲИС
ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ПРОГНОЗИ)**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАН ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.DSc/Tib157 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Вирусология илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Асилова Мухайё Убаевна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Камилов Фарход Хайдарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ахмедова Мубарахон Джалиловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Касимов Илхамджан Асамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти
(Ўзбекистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: +99871-150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Н. У. Таджикиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Т. А. Даминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор, академик

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда вирусли гепатитлар ва уларнинг оқибатлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 257 миллион киши сурункали В гепатит (СВГ) вирусини билан зарарланган. Сурункали гепатит В инфекцияси натижасида ривожланадиган жигар циррози (ЖЦ) ва жигар саратони оқибатидан йилига тахминан 686 минг киши нобуд бўлмоқда. Дунё бўйича В гепатит вирус инфекциясининг ривожланиши билан боғлиқ ўлим даражаси барча юқумли касалликлар таркиби ичида 7-ўринни эгаллайди¹. Сурункали вирусли В ва D гепатитлар зўрайиши омиллари, ЖЦ га ўтишини эрта ташхислаш, замонавий вирусологик усулларни амалиётга тадбиқ қилиш, жигар фибрози ташхисида ноинвазив усуллардан фойдаланиш, олиб борилаётган профилактика чоратадбирларни такомиллаштириш, генетик полиморфизм ва фиброз даражасини аниқлашда ўзига хос маркёрларни аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда HBV, HDV этиологияли жигар циррози клиникаси, эрта ташхисоти ва прогнози бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақсадда, вирус этиологияли сурункали диффуз жигар касалликларининг тарқалишини баҳолаш, уларнинг асоратлари ва салбий оқибатларининг ЖЦ га олиб келишига алоҳида эътибор берилмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жигар фиброзини эрта ташхислаш ва даволаш сурункали В ва D гепатит асоратларини олдини олиш ҳисобланиб, муҳим муаммолардан бирига айланди². Жигар циррози ривожланишида вирус генотипини аниқлаш, турли генетик факторларнинг молекуляр-генетик полиморфизмининг аниқлаш, жигар циррозига ўтишидаги зардоб маркёрларини аниқлаш, ЖЦ га ўтишини башоратлаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг ислох қилиш бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва юқумли касалликларнинг, жумладан, вирусли гепатитларни эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва касалликни олдини олишга қаратилган самарали тадбирлар ўтказилмоқда³. Шулар билан бир қаторда, аҳолига уз вақтида сурункали гепатитларни ташхислаш ва даволаш, HBV, HDV этиологияли жигар циррозининг клиникаси, ташхиси ва иқтисодий юқини инобатга олган ҳолда касалликни зўрайиши омиллари, жигар циррозига ўтишининг ташхиси, прогнози ва клиник жиҳатлари бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

¹ World Health Organization. Hepatitis B. – Fact sheet April, 2017.

² Вялов С.С. Ташхис алгоритми. Амалий қўлланма. 3- нашр, М.: ТИБ пресс-маълумот, 2011.-128 б.

³<http://www.minzdrav.uz>

стратегиясида⁴, жумладан «соғликни сақлаш соҳасини, энг аввало унинг аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш тизимини янада ислоҳ қилиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, В вирусли гепатитнинг генотипик хусусиятларини аниқлаш, аҳоли орасида HBV, HDV жигар циррозини эрта прогнозлаш усулларини такомиллаштириш, касалликни олдини олиш ва даволашнинг клиник-иктисодий самарадорлигини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар Стратегияси» ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 июлдаги 537-сон «Ўзбекистон республикасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга доир кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵.

Сурункали В ва D гепатитлар, HBV ва HDV этиологияли жигар циррозларини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of California (АҚШ); University at Munchen (Германия); Vienna Medical University (Австрия); Department of Gastroenterology, Department of Internal Medicine, National Taiwan University Hospital, Department of Medical Research (Тайван); Nottingham University Hospitals NHS Trust, The University of Nottingham, University of Central Lancashire, Department of Hepatology (Англия); С.М. Киров номидаги ҳарбий - тиббиёт академияси, Гастроэнтерология марказий илмий-тадқиқот институти (Россия), Вирусология илмий-текшириш институти, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда сурункали вирусли В ва D гепатитлар ривожланиши омиллари, ташҳиси, прогнози, клиник жиҳатлари ва олдини олишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: IL28B ген полиморфизмининг сурункали гепатит В ни даволашда таъсири аниқланган (The Research Center for Hepatitis and Immunology, Япония); В гепатит вирусини ҳар хил

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони.

⁵ www.who.int/healthinfo/global_burden_disease; www.who.int/mediacentre; www.cdc.gov ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

генотипларининг тарқалганлиги аниқланган (Department of Gastroenterology, Department of Internal Medicine, National Taiwan University Hospital, Department of Medical Research, Тайван; Қозон давлат тиббиёт университети, Россия; Вирусология илмий-текшириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда сурункали вирусли В гепатитнинг молекуляр-генетик тавсифи ва уларнинг ташхисоти, прогнози, клиник жиҳатлари ва профилактика самарадорлигини ошириш мақсадида қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ген полиморфизмининг сурункали гепатит В га таъсирини аниқлаш; жигар фиброзида зардоб маркёрларини аниқлаш; вирусли гепатитларни даволашда тўғридан - тўғри таъсир қиладиган вирусга қарши дори воситаларини ишлаб чиқиш; сурункали В гепатит генотипларининг географик тарқалганлиги, популяциялар ора хилма-хиллиги ва клиник хусусиятларини аниқлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖЦ га бағишланган адабиётларда келтирилган тадқиқотлар натижаларига кўра, баъзи касалликларнинг келиб чиқиши, кечиши ва даволашда генетик омиллар муҳим аҳамият касб қилади. Маълумки, турли генларнинг касалликларда генетик мойилликнинг пайдо бўлишидаги ҳиссаси турли популяцияларда бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади ҳамда беморларда касаллик пайдо бўлишининг генетик хавфини аниқлашда аллеллар ва генотипларнинг учраш даражаси, унинг қайси популяцияга тегишлигига боғлиқлиги бу маълумотларни турли популяцияларда қўллашда қийинчиликларга сабаб бўлмоқда (X.L.Jiao, Y.T.Gao, L.Jing et al., 2011).

Сурункали вирусли гепатит ташхисининг деярли 30% аниқланиши ноъмалум бўлиб қолмоқда. Уларнинг катта қисми жигарнинг оғир касаллигига чалинган беморлар бўлиб, уларда касаллик этиологияси аниқланмай қолади. Беморларнинг 8% дан кўпроғида вирусли гепатит В нинг яширин шаклида кечувчи инфекция эканлиги аниқланган (M.Rizvi, M.Azam, A.Sultan, I. Malik et al., 2014.). Касалликнинг клиник тавсифи ва оқибатлари жигар фиброзининг кечиши билан боғлиқлигига бағишланган тадқиқотлар ривожланмоқда (G.Fattovich, F.Bortolotti, F.Dorato et al., 2008; S.Y. Kim, Y.Y. Kuaw, J. Cheong, 2017). Жигар фибрози ташхисининг ноинвазив усуллари ишлаб чиқилган (L.Castera, 2011; L.Rizzo et al., 2011; З.А.Лемешко, 2011; G. Ferraioli, et al., 2012).

Ҳозирги вақтда сурункали вирусли гепатитларнинг ЖЦ га ўтишининг прогностик маркёрлари аниқлана бошланди (K. Ito, A. Kuno, Y. Ikehara, M. Sugiyama, 2012; D. Du, X. Zhu, A. Kuno et al., 2012; A. Kuno, Y. Ikehara, Y. Tanaka, K. Ito et al., 2013). Жигар фибрози аниқлаш учун математик моделлар яратилмоқда (B.Cowie, H.Kelly, 2010; A.Friedman, W.Hao, 2017). ЖЦ ни ривожланиш хавфининг ортиб бориши вирус ва одам организми омилларига боғлиқдир. Касаллик натижасига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу қон зардобиди вируснинг миқдоридир. Тайванда олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ЖЦ ривожланиш хавфи HBsAg ва АлАТ

даражасига боғлиқ эмаслиги, аммо вирус миқдорига боғлиқлиги аниқланди. Зардобда HBV ДНК миқдорининг ортиши билан ГЦК пайдо бўлиш хавфи сезиларли даражада ошганлиги кузатилди (У.Н. Поеје et al., 2006).

Адабиётлар таҳлили ҳеч қандай башоратлаш кўрсаткичлари ЖЦ асоратлари хавфини ишончли равишда баҳолай олмаслигидан гувоҳлик беради. Шу сабабли, вирусли гепатитларда долзарб муаммолардан бири ЖЦ ривожланиши предикторларини аниқлаш ҳисобланади. Касалликнинг клиник кўринишлари ва оқибатларининг жигар фибрози шаклланиши билан боғлиқлиги ҳамда В гепатит вирусининг генетик хусусиятларини аниқлаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Вирусология илмий-текшириш институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ АДСС 21-2 «IL28В ген полиморфизми ва жигар фибрози зардоб маркёрларини аниқлаш асосида сурункали вирусли гепатитларнинг жигар циррозига ўтишни башорат қилиш, даволаш ва олдини олишнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) ва АДСС 15.20.2 «Ўзбекистон шароитида вирусли жигар циррозларини олдини олишда прогнозли ва математик моделларни қўллаган ҳолда иқтисодий унумли моделини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуси ҳамда Вирусология илмий-текшириш институти ва Япониянинг «Гепатитлар ва иммунология» илмий текшириш маркази ўртасида тузилган ҳамфикрлик меморандуми (2011-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали вирусли В ва D гепатитларнинг ЖЦ га ўтишида зўрайиш омиллари ва прогностик қонуниятлар ахамиятини аниқлаш, ЖЦ нинг клиник - диагностик ва профилактик жиҳатларини ўрганиш ва ҳақиқий тарқалишини ва иқтисодий юқини ҳисобга олган ҳолда аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

HBs-антигенемия ҳолатлари тарқалганлигини ва HBV этиологияли ЖЦ ни аниқлаш;

HBV, HDV этиологияли ЖЦ нинг клиник жиҳатларини ва лаборатор тавсифини аниқлаш;

республикада HBV инфекциясининг генотипик хусусиятларини аниқлаш;

сурункали вирусли В ва D гепатитларда жигар фибрози даражасини аниқлашда WFA+-M2BP зардоб маркёрини қўллашни асослаш;

жигар фибрози ташҳисида ноинвазив усуллар самарадорлигини баҳолаш;

IL28В ген полиморфизми фибрознинг жигар циррозига ўтишидаги башоратли маркёр эканлигини асослаш;

вирусли ЖЦ билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий зарарни баҳолаш. Сурункали вирусли гепатитларни даволашнинг клиник-иқтисодий таҳлилинини ўтказиш;

генетик полиморфизм ва фиброз даражаси асосида сурункали гепатит В ва D ларининг оқибатларини даволаш стратегияси, профилактикаси ва таҳлилининг математик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вирусли этиологияли жигар циррозли 357 нафар, сурункали В гепатит билан 113 нафар беморлар ҳамда 1645 амалий соғлом шахслардан HBsAg ва anti-HCV га қон олинган.

Тадқиқотнинг предмети веноз қони ва қон зардобини биокимёвий, серологик, молекуляр-генетик, зардоб маркёрларини миқдорий аниқлаш, организмнинг генетик омиллари ва вируснинг генотипик белгиларни ўрганиш мақсади учун; жигар биоптати гистологик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Скрининг, умумий клиник, биокимёвий, серологик, молекуляр-генетик, инструментал, математик моделлаш ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

D генотипнинг юқори тарқалиш частотаси ва HBV-инфекциянинг зўрайишида D генотипининг аҳамиятлилиги исботланган;

илк бор вирусли жигар циррозини башоратлашда WFA+-M2BP маркёри юқори даражасининг аҳамияти асосланган;

HBV вирусли юкламасининг ва инсон генетик омилларининг башоратловчи маркёр сифатида сурункали гепатит В ва D зўрайишига ва ЖЦ шаклланишига таъсири аниқланган;

илк бор сурункали D гепатит зўрайиши ва жигар циррози шаклланишида интерлейкин 28В башоратлаш маркёри сифатида аниқланган;

сурункали В ва D гепатитларни жигар циррози билан таққослаш асосида даволашнинг иқтисодий харажатларини ҳисобга олган ҳолда бевосита таъсир қилувчи вирусга қарши дори воситалари-нуклеотидлар ва нуклеозидларнинг аналоглари билан эрта даволаш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қонда HBsAg бўлган шахсларнинг аниқ сони алоҳида аҳоли гуруҳларида скрининг тадқиқотлар орқали баҳоланган;

сурункали HBV инфекцияли беморларда жигар фибрози даражасини баҳолаш ва касалликни олдиндан айтиш учун ноинвазив усул сифатида WFA+-M2BP зардоб маркёрларини қўллаш зарурлиги асосланган;

вирусли гепатит В ва D оқибатларини аниқлаш учун IL28В геннинг ҳудудидаги генетик вариацияларнинг башоратли аҳамияти асосланган.

В гепатит вирусининг генотиби ва вирус миқдорини касаллик оқибатларининг башоратлаш маркёри сифатида қўллаш исботланган;

сурункали гепатитли беморларни чуқур ташҳислаш ва даволаш учун касаллик зарарини баҳолаш ва зарур маблағларни ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

вирусли гепатитлар ва уларнинг оқибатларини статистик ҳисобга олишнинг янги шакллари республика субъектлари амалиётига жорий этилган ва улар бўйича ҳудудий регистрлар маълумотларини марказлаштирилган таҳлиллаш ишлаб чиқилган;

сурункали В ва D гепатитларда жигар циррозини башоратлашда электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти HBV, HDV этиологияли жигар циррозидида патологик жараённинг шаклланиш механизмини, СВГ нинг ЖЦ га айланиши омилларининг қонуниятини ва прогностик аҳамиятини аниқлаш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Илк бор вирусли жигар циррозини башоратлаш учун жигар фибрози зардоб маркёрларининг ва молекуляр-генетик тадқиқотлар билан гепатит В генотипларнинг тарқалганлигини аниқлаш, вирусли гепатитларнинг оқибатларини эрта ташхислаш учун пойдевор эканлиги асосланган. Инсон генетик омиллари жигар шикастланишининг чуқурлигини ва касалликнинг оқибатларини олдиндан айта олиш учун қўлланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вирусли ЖЦ нинг ижтимоий-иқтисодий зарарини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган прогнозлаш модели ўз вақтида даволаш тактикасини амалга оширишга ва вирусли гепатитларнинг салбий оқибатларининг олдини олишда дифференциал ёндашувни ишлаб чиқишга асос бўлган. Касаллик келтирган зарарни ва жамиятнинг барча харажатларини комплекс баҳолаш мавжуд вазиятни яхшилашга қаратилган хатти-харажатлар кетма-кетлигини аниқлашга, шунингдек, ЖЦ нинг ташхиси, профилактикасининг янги усулларини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини олдиндан аниқлашга ёрдам берган. Жигарни регулятор функциясини бажарилган математик моделлаштириш ЖЦ да генетик полиморфизм ва фиброз даражасини ҳисобга олган ҳолда сурункали В ва D гепатитлар натижаларини аниқлаш ва прогнозлаш учун дастурий тизимни ишлаб чиқишда қўлланилди.

Ўтказилган математик моделлаштиришда жигарнинг регулятор функциясини қўллаган ҳолда, дастурий диагностик тизимни ишлаб чиқиш ва генетик полиморфизм ва фиброз даражасини инобатга олиб сурункали гепатит В ва D натижаларини прогноз қилишда ишлатилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали вирусли В ва D гепатитлар зўрайиши омиллари, ЖЦ га ўтишининг ташхиси, прогнози ва клиник жиҳатлари қонуниятларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«IL28B ген полиморфизми ёрдамида жигар циррозини прогноз қилиш усули» мавзусидаги услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12

январдаги 8н-д/94-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиялар сурункали вирусли В ва D гепатитларда IL28В ген полиморфизми ёрдамида жигар циррозини прогноз қилиш имконини берган;

юқумли касалликлар ташҳиси, даволаш стандартлари ва даволаш баённомалари (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 16 декабрдаги 525 -сон буйруғи). Мазкур меъёрий хужжат юқумли касалликларни ташҳислаш ва самарали даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда касалликни камайтириш имконини берган;

«Сурункали гепатитлар ва вирус этиологияли жигар циррозларини аниқлаш учун дастур» тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Вирусология илмий-текшириш институти ва Чирчиқ шаҳрининг Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонаси амалиётига тадбиқ этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 12 январдаги 8н-д/94-сон маълумотномаси). Мазкур дастур сурункали вирусли В ва D гепатитларни ўз вақтида ташҳислаш ва даволаш орқали ЖЦ нинг олдини олиш ҳамда эрта ташҳислаш имконини берди.

сурункали вирусли В ва D гепатитлар зўрайиши омиллари, ЖЦ га ўтишининг ташҳиси, прогнози ва клиник жиҳатлари қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан Вирусология илмий-текшириш институти клиникаси, Тошкент шаҳар Республика сурункали соматик касалликлар маркази, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Самарқанд вилоят юқумли касалхоналари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 3 февралдаги 8н-р/15-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар асосида жигардаги яллиғланиш жараёни даражасини камайтиришга, жигар фиброзини ҳаққоний аниқлашга, ЖЦ ни башоратлашга, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, саккизта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 187 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг

устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали вирусли В, D гепатитлар ва жигар циррозлари тавсифларининг замонавий таҳлили (ташҳиси, клиникаси, прогнози, молекуляр-генетик хусусиятлари ва ижтимоий-иқтисодий юкни баҳолаш)»** деб номланган биринчи бобида ЖЦ нинг этиологияси, клиникаси, тарқалганлиги ва HBV нинг генотиплар тавсифи, ЖЦ зўрайишининг генетик омиллари (Host factor), сурункали вирусли гепатит В ва D нинг ЖЦ га ўтишининг прогностик маркёрлари, ЖЦ нинг олдини олиш учун сурункали вирусли гепатит В ва D ни даволаш ҳақида замонавий маълумотлар келтирилган. ЖЦ нинг ижтимоий-иқтисодий юкининг баҳоси берилган, жигар фиброзининг регулятор вазифасининг математик модели тузилганлиги кўрсатилган. Ўрганилаётган муаммо бўйича адабиётлар асосида ўз ечимини топмаган ва батафсил ўрганилиши талаб қилинган масалалар аниқланди, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ривожлантириш зарурлиги тасдиқланган.

Диссертациянинг **«Текширувда бўлган беморлар ва тадқиқот усулларининг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Иш Вирусология ИТИ да амалга оширилган. 20 ёшдан 60 ёшгача бўлган вирус этиологияли ЖЦ билан касалланган 357 та бемор назоратда бўлди, улардан HBV этиологияли ЖЦ билан касалланган беморлар 67 та, HDV этиологияли ЖЦ 140 та кишини ташкил этди ва HCV ЖЦ билан 150 та киши назорат гуруҳи учун олинди. Барча беморлар Вирусология ИТИ диспансер-поликлиника бўлимида кузатилди, улардан бир қисми клиникада стационар даво олишган.

Республикада HBV генотипларининг тарқалганлигини аниқлаш учун Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида яшовчи турли фаолликдаги сурункали вирусли гепатит В ташҳиси тасдиқланган 141 та бемор текширилди. Ушбу СГВ беморларнинг 113 тасида генотип аниқланди.


ЖЦ юкни ўрганиш учун скрининг текширувлари ўтказилди. Қонида HBsAg ва anti-HCV мавжудлигига жигар касалликлари бўйича рўйхатга олинмаган 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган 1645 та киши текширилди.

Клиник, биокиёвий (АлАТ, АсАТ, билирубин, альбумин, ГГТП, а-ФП), серологик (ИФА), молекуляр-биологик (ПЗР), инструментал (ултратовуш, эластография, жигар биопсияси), математик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг **«Республикада вирусли жигар циррози билан боғлиқ жорий эпидемиологик ва ижтимоий юкни баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон республикасида вирусли гепатитлар ва HBV туфайли юзага келган жигар циррози билан боғлиқ жорий эпидемиологик ва ижтимоий юкка баҳо берилган. Ўзбекистон Республикасида сурункали вирусли гепатитларнинг тарқалганлиги ва

вирусли ЖЦ нинг ривожланиш хавфи мумкинлигининг прогнози келтирилган.

Республиканинг 5 та вилоятларида скрининг текширувлар олиб борилди. Ўтмишда жигар касалликлари бўйича мурожаат қилмаган ва бошқа касалликлар туфайли шикоятлари бўлмаган шартли соғлом бўлган шахсларнинг 1645 та қон намунаси HBsAg ва anti-HCV мавжудлигига текширилди. Вилоятлардан олинган 1645 та қон намунасида HBsAg 136 (8,3%), anti-HCV 92 (5,6%) аниқланди. 1-расмда Республиканинг 5 та вилоятининг аҳолиси орасида HBsAg ва anti-HCV учраш ҳоллари кўрсатилган.




1-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятлари аҳолисида HBsAg ва anti-HCV учраш даражаси

HBs-антигенемиянинг энг кўп фоизи Жанубий ва Жануби-Фарбий регионларда (12,2%), Марказий регионларда (12,0%) кузатилди, камроқ Шарқий регионда (10,5%), Шимолий ва Шимоли-Фарбий регионларда (10,2%) кузатилди. HBs-антигенемиянинг энг кам учраш частотаси Тошкент ва Тошкент вилояти ҳудудларида кузатилди.

Биз HBsAg ва anti-HCV мусбат бўлган шахсларнинг ёшга боғлиқ жиҳатларини кўриб чикдик. 136 та HBsAg мусбат бўлган шахслар орасида HBsAg энг кўп 20-30 ёшдаги (41,9%), 31-40 ёшдаги (26,4%) ва 41-50 ёшдаги (24,3%) гуруҳларда учради. 2-расмда ёш гуруҳлари бўйича текширилган шартли соғлом одамларнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда HBsAg ва anti-HCV мусбат шахсларнинг ёш таркиби кўрсатилган. Расмда қайд этилганидек, умумий текширилган шахсларнинг орасида энг кўп HBs-антигенемия частотаси шунингдек, 20-30 ёшга (12,9%) ва 31-40 ёшга (10,2%) тўғри келди. Тошкент шаҳрида, anti-HCV мусбат бўлган шахсларнинг аксарияти 31-40 ёшга тўғри келди.

Олинган маълумотлар, шубҳасиз гепатит В билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг энг меҳнатга лаёқатли қисми зараланишини кўрсатди. Қонида HBsAg бўлган кишиларда жигар циррози ва ГЦК ривожланиш хавфи юқорилиги маълумдир.



2-расм. Ёш гуруҳлари бўйича шартли соғломларда HBsAg ва anti-HCV мусбат шахсларнинг фоиз таркиби

Шундай қилиб, гепатит В нинг ижтимоий аҳамияти 20-40 ёшдаги шахслар орасида касалликнинг юқори тарқалганлиги билан белгиланади. Ушбу ёш гуруҳи мамлакатнинг асосий репродуктив аҳолиси ва меҳнат салоҳиятини ташкил этади, шунинг учун мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эгадир.

Расмий хужжатларда ва аҳолининг мақсадли текширувлари натижасида ёки алоҳида гуруҳлардан олинган кўрсаткичлар орасида ЖЦ нинг тарқалиш даражаси бўйича мазмунли фарқ мавжуд.

Яқин 5-10 йилда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида ЖЦ нинг тарқалиши ўрганилди. Ўтказилган аввалги скрининг текширувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, қонда HBsAg ва anti-HCV аниқланган, лекин ҳисобга олинмаган шахсларнинг сонига нисбатан, яқин келажакдаги йиллар учун ЖЦ билан касалланиши мумкин бўлган беморлар сонини ҳисоблашга ҳаракат қилдик.

Расмий маълумотларга кўра, 2016 йилга келиб Ўзбекистон Республикасининг катта аҳолиси 22619576 кишини ташкил этди, аҳолининг 8,3% да HBsAg аниқланди. Агар «соғлом» ташувчилар 15-20% ни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, 22619576 кишидан HBsAg тахминан 1877425 кишида бўлиши мумкин, тахмин қилинувчи қайд этилмаган СГВ билан касалланган беморлар сони 1502000 кишини ташкил қилиши мумкин. Келгуси 5-10 йил ичида ҳисобга олинмаган ЖЦ сони 300400 (20% СГВ дан) ҳолатларда бўлиши мумкин, Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларига қўшимча тарзда.


Тошкент шаҳридаги учта поликлиникада сурункали гепатит билан касалланган 181 та беморлар орасида ЖЦ билан оғриган беморларни аниқлаш учун скрининг текширувлари ўтказилди. ЖЦ билан касалланган беморлар 3,3% ни ташкил қилди. 2016 йилги Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, СГВ билан касалланган беморлар тахминан 34464 кишини ташкил қилади. Улардан ЖЦ 3,3%, яъни 1137 кишида аниқланиши мумкин.

Сурункали гепатит билан касалланган беморлар сонининг кўпайиши ва ҳисобга олинмаган вирусли гепатитлар фониди, келгуси 5-10 йил мобайнида ЖЦ билан касалланиш кўрсаткичларининг ортишини кутиш мумкин.

Диссертациянинг «**Вирусли жигар циррозининг клиник-лаборатор тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида HBV ва HDV этиологияли жигар циррозининг клиник-лаборатор тавсифи келтирилган. ЖЦ билан касалланган 357 нафар бемор клиник-лаборатор текширувдан ўтказилди, улардан, 67 та HBV этиологияли ЖЦ, эркаклар 37 (55,2%), аёллар 30 (44,8%), 140 та HDV этиологияли ЖЦ, эркаклар 75 (53,6%), аёллар 65 (46,4%) ташкил этди, HCV этиологияли ЖЦ билан 150 та бемор назорат гуруҳига олинди, эркаклар 80 (53,3%), аёллар 70 (46,7%) ташкил қилди. Ўртача ёш $46,9 \pm 5,6\%$, $34,2 \pm 3,8$ ва $52,5 \pm 2,5$ ёшни тегишли равишда ташкил этди.

Патологик жараённинг оғирлигига қараб беморларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлди: HBV этиологияли ЖЦ да А синфига 28 (41,8%) беморлар, В синфига 35 (52,2%), С синфига 4 (6,0%), беморлар киритилди. HDV этиологияли ЖЦ да А синфига 52 (37,1%), В синфига 77 (55,0%) ва С синфига 11 (7,9%) беморлар киритилди. HCV этиологияли ЖЦ да А синфига 40 (26,7%), В синфига 100 (66,7%), С синфига 10 (6,7%) беморлар киритилди. ЖЦ эркакларда кўпроқ кузатилди. Касаллик барча ёш гуруҳларида кузатилди, лекин кўпроқ 21-40 ва 41-60 ёшларда учради.

ЖЦ ни эрта ташҳислашнинг мураккаблиги дастлабки клиник кўринишларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Турли этиологияли ЖЦ нинг клиник кўринишида сезиларли фарқлар кузатилмади. HCV этиологияли ЖЦ бундан мустасно бўлди, унда симптомлар частотаси кам бўлиб ва яққол ифодаланмаганлиги кузатилди. Барча беморларда касалликнинг давомийлиги турлича бўлди. Жараён турлича ифодаланганда касалликнинг тахминий давомийлиги 3-расмда келтирилган.



3-расм. ЖЦ нинг турли синфларида касалликнинг давомийлиги

ЖЦ нинг А синфидаги беморларнинг деярли ярмида касаллик давомийлиги 5 йилгача бўлди, камроқ 6-10 йил ва ундан ортиқ, ўртача $6,8 \pm 0,8$ кузатилди. ЖЦ нинг В синфида касаллик давомийлиги бўлди, асосан 11-15 йил, камроқ 6-10 йил, ўртача $12,5 \pm 2,4$ кузатилди. ЖЦ нинг С синфида касаллик 16-20 йил ва ундан ортиқ давом этди, ўртача $19,7 \pm 3,2$ бўлди, бемор

ҳолатининг оғирлиги касалликнинг давомийлигига боғлиқ бўлди. Касаллик муддатининг ортиши билан оғир клиник кўринишлар частотаси деярли ошади.

Биз вируснинг репликатив фаолиятини жигар шикастланишининг турли даражаларида баҳоладик. ЖЦ нинг А ва В синфидаги беморларда касалликнинг зўрайиши билан вирус юкламасинининг ортиш тенденцияси кузатилди. Аммо умуман олганда вирус юкламаси ЖЦ нинг ифодаланиш даражаси билан боғлиқ бўлмади. HDV этиологияли ЖЦ да бемор ҳолатининг зўрайиши билан вирус юкламаси ортиб бориши кузатилди, аммо фарқ ишончли бўлмади.

Биз вирус юкламасининг касаллик давомийлигига боғлиқлигини кузатдик. ЖЦ да вирус юкламаси муҳим аҳамиятга эга бўлмади, у жараённинг оғирлиги билан боғлиқ бўлмади, лекин касаллик давомийлиги билан боғлиқ бўлди. Яъни, касалликнинг давомийлиги ошиши билан вирус юкламаси ортади.

ЖЦ ривожланишининг дастлабки босқичларини аниқлаш жуда қийин. Клиник белгиларсиз ёки минимал белгилар билан кечиши мумкин, бу эса, уларнинг ташҳисотини қийинлаштиради, натижада клиник ва гистологик ташҳиснинг, клиник кўриниш ва инструментал текширув усуллари кўрсаткичлари ўртасида номувофиқликни келтириб чиқаради. HBV, HDV ва HCV этиологияли ЖЦ нинг белгилари тахминан бир хил, аммо HDV инфекциясида белгилар кўпроқ яққол ифодаланиши кузатилди. Вирусли гепатит В билан боғлиқ ЖЦ билан касалланган беморларнинг кўпчилигида касаллик латент ёки унинг кам ифодаланган белгилари билан кечиши кузатилди. Шифокорлар беморнинг аҳволини баҳолай олмайди, чунки беморлар СВГ ташҳиси билан кузатувда бўлишган. HDV инфекция билан касалланган беморларда жигар етишмовчилиги ташқи белгиларининг кўриниши, талоқнинг катталишиши, жигарнинг катталишиши ва зичлашиши каби яққол ифодаланган клиник белгилар кузатилди. HDV этиологияли ЖЦ нотўғри ташҳисланган. Ташҳисни аниқлаштириш учун 41 та беморда жигар биопсияси гистологик таҳлил билан ўтказилди, бир вақтнинг ўзида ушбу беморларнинг жигар эластография натижалари билан таққосланди. Гистологик маълумотлар клиник ташҳис билан таққосланди. Қуйидаги натижалар олинди. HBV инфекцияли 12 та беморлардан, 2 тасида (16,7%) клиник ташҳис гистологик таҳлил билан мос келмади, касаллик клиник белгиларининг кам ифодаланганлиги туфайли СВГ ташҳиси қўйилган. Жигар биоптати текширилганда ЖЦ аниқланди. HDV инфекцияси билан касалланган беморларнинг умумий сонидан клиник ташҳиснинг гистологик ташҳис билан мос келмаслиги 7 та (24,1%) беморларда кузатилди. Улардан ЖЦ клиник ташҳиси бўлган 5 та беморларда гистологик текширувларда сурункали гепатит минимал фаоллик F0-1, 2 та беморларда сурункали ўртача ифодаланган гепатит F1-2 кузатилди. Яна 6 та беморда сурункали гепатитдан ЖЦ га ўтиш босқичи кузатилди, яъни хали ривожланмаган ЖЦ.


Биокимёвий кўрсаткичларнинг ўзгариши беморларнинг бир қисмида кузатилди. Қонда билирубиннинг ошиши 49,8% ҳолатларда кузатилди, унинг

максимал кўрсаткичлари 180 ммоль/л гача бевосита фракция ҳисобига ошди. Муайян беморларда билирубинемия тўлқинли характерга эга бўлиб, кўтарилиш ва камайиш даврларидан иборат бўлди. ЖЦ билан касалланган беморлар орасида α -ФП миқдорининг ошиши HBV инфекцияда 31 (46,3%), HDV инфекцияда 86 (61,4%) ва HCV инфекцияда 42 (28,0%) беморларда кузатилди. Уларнинг даражаси 28 дан 120 нг/мл гача ўзгариб, ўртача $32,5 \pm 8,9$ ва $53,0 \pm 9,3$ нг/мл ни тегишли равишда ташкил этди. α -ФП даражаси барча ЖЦ да патологик жараён оғирлигига боғлиқ бўлди ва жигар функционал ҳолатини ишончли акс эттирди.

Республикада HBV генотипларининг тарқалганлиги ўрганилди. Жами 113 та қон зардоб намуналари муваффақиятли генотипланди. Ўзбекистонда яшовчи гепатит В билан касалланган беморларда умуман HBV нинг иккита генотиби: генотип А (3,5%) ва генотип D (96,5%) аниқланди.


А генотипига эга бўлган 4 та бемордан 3 нафарида СВГ нинг паст фаоллик даражаси, 1 та беморда ўрта фаол даражаси кузатилди. Биокимёвий текширувлар натижаларига кўра, бу беморлар қонида билирубин миқдори 20,0 дан 25,0 мкмоль/л гача ўзгариб, ўртача $22,4 \pm 1,5$ мкмоль/л ни ташкил қилди. Жигар ферментларининг фаоллик даражаси $32,4 \pm 2,3$ МЕ га тенг бўлган ўртача қиймат оралиғида белгиланди.

Фаоллик даражаси бўйича D генотиби бўлган беморларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлди: минимал - 13,8%, паст - 24,8%, ўртача ифодаланган – 49,5%, яққол ифодаланган – 11,9% беморларда кузатилди (4-расм).



4-расм. HBV нинг D генотиби бўлган беморларнинг фаоллик даражаси бўйича тақсимланиши

D генотипида беморларнинг ярмидан кўпроғи қонда HBV ДНК нинг ўртача 56 (51,4%) миқдорига эга бўлди, паст 25 (22,9%), юқори миқдори 28 (25,7%) ни ташкил этди (5-расм).




5-расм. HBVнинг D генотиби бўлган беморларнинг вирус юкламаси даражаси бўйича тақсимланиши

Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари Ўзбекистонда D генотиби устунлик қилади ва A генотиби жуда кам учрайди деган хулосага келишимизга имкон беради. Вирусларнинг генетик хусусиятлари касалликнинг кечиши ва оқибатини аниқлаши мумкин. Генотип D юқори зўрайиш хавфига эга. Вирус генотиби СВГ прогнози учун маркёр бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Диссертациянинг «**Жигар фиброзини ноинвазив ташхислаш усуллари ва сурункали вирусли В ва D гепатитларида ЖЦ ривожланиш хавфини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида, жигар фибрози ташхисотининг ноинвазив усуллари самарали баҳолаш ва ЖЦ ни олдиндан айтиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

ЖЦ ривожланиш хавфининг юқорилиги вирус ва организмнинг маълум омиллари билан боғлиқ. Касаллик оқибатига таъсир қилувчи вирус омилларидан бири бўлиб қон зардобда вируснинг концентрацияси ҳисобланади. ЖЦ ривожланишининг прогностик маркёри сифатида вирус юкламасининг юқори кўрсаткичларининг аҳамиятини аниқлаш учун биз узок вақт давомида 5 йил диспансер назоратида турган ва HBV ДНК сифатини аниқлаш учун ҳар йили қон топширган вирусли В гепатит билан касалланган 65 та беморларнинг тиббий карталарини таҳлил қилдик.



6-расм. ЖЦ ривожланиш хавфининг вирус юкламасига боғлиқлиги

6-расмда вирус юкламасининг касаллик оқибатига таъсири кўрсатилган. Бир йил ўтгач, қонда вирус концентрацияси юқори бўлган

беморларнинг атиги 4,5% да ЖЦ аниқланди. 2 йил ўтгач, вирус концентрацияси ўртача бўлган гуруҳда 4,3%, юқори бўлган гуруҳда 9,1% ҳолатларда ЖЦ аниқланди. 3, 4 ва 5 йилдан сўнг вирус юқламаси ўртача бўлган беморларда ЖЦ 8,6%, 17,4%, 21,7% беморларда, қонда вирус концентрацияси юқори бўлган беморларда 18,2%, 27,3% ва 31,8% ва вирус миқдори паст бўлган беморларда 5%, 15%, 15% ҳолатларда тегишли равишда кузатилди. СВГ билан касалланган беморларда ЖЦ га трансформация вируснинг циркуляция даражасига боғлиқ бўлди. HBV ДНК нинг юқори даражаси СВГ нинг ЖЦ га зўрайишининг предиктори бўлиб ҳисобланади.

Жигар фиброзининг зардоб маркёрлари сифатида WFA+-M2BP ни қўлладик, улар 41 та СВГ лар ва вирусли ЖЦ билан касалланган беморларда баҳоланди. WFA+-M2BP нинг ташхисий самарадорлиги пункцион биопсия ва жигар эластографияси каби фибрознинг турли маркёрлари билан таққосланди. Ташхислар гистологик текширув параметрларига қаратилган.

СВГ ва вирусли гепатит В+D билан касалланган беморларда WFA+-M2BP ўртача кўрсаткичлари орасида ишончли фарқ кузатилмади. СВГ нинг паст фаоллигида WFA+-M2BP нинг юқори кўрсаткичлари жараён зўрайишининг прогностик маркёри сифатида хизмат қилиши мумкин. СВГ+D да беморнинг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш қийин, чунки клиник тасвир жигарда хатто ўртача ўзгаришлар бўлганда ҳам яққоли фодаланиши мумкин. Бу муҳим аҳамиятга эга, чунки 27,2% да жигар эластографияси беморнинг аҳволини тўлиқ баҳолай олмайди. Касалликнинг прогностик ижобий оқибатини WFA+-M2BP нинг паст кўрсаткичлари билан боғлаш керакдир. Жигар фиброзининг зардоб маркёрларини сурункали гепатитнинг паст фаоллигидаги клиник белгиларида, лекин ЖЦ га ўтиш гистологик белгилари мавжудлигида қўллаш мумкин. WFA+-M2BP нинг юқори кўрсаткичлари беморнинг аҳволини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Бизнинг олган натижаларимиз фиброз даражасини акс этувчи сурункали вирусли гепатит В ва D нинг муҳим зардоб маркёри WFA+-M2BP бўлиб ҳисобланишини кўрсатади. WFA+-M2BP нинг зардоб даражасини касалликнинг прогнозини изоҳлаш учун қўллаш мумкин. Паст ёки ўртача сурункали гепатит белгилари мавжуд беморларда WFA+-M2BP кўрсаткичлари юқори бўлганда, ушбу беморлар эътиборли ва узоқ кузатувда бўлиши талаб этилади, чунки АлАТ кўрсаткичлари нормаллиги, шикоятлари ва объектив ўзгаришлар йўқлиги ЖЦ га ўтиш имкониятини истисно этмайди. Ушбу ҳолатда, WFA+-M2BP нинг юқори кўрсаткичлари ЖЦ га ўтишнинг мумкин бўлган предиктори бўлиб ҳисобланади.

Жигар фиброзини аниқлаш ва ЖЦ ривожланиш хавфини прогноз қилиш учун биз жигарнинг билвосита овозли эластографиясидан фойдаландик. Сурункали вирусли гепатитлар билан касалланган 15 ёшдан 75 ёшгача бўлган 1880 та беморларда фибрознинг эпидемиологик шакллар таркиби таҳлил қилинди. Улардан СВГ бўлган беморлар 531 та ва СВГ+D - 378 та кишини ташкил этди.


Тадқиқотда иштирок этган 909 та СВГ ва CDГ билан касалланган беморларнинг 50 нафарида ЖЦ аниқланиб, у 5,5% ни ташкил этди. Жигар

эластографиясининг параметрлари гистологик тадқиқотлар натижалари билан таққосланди. СВГ да гистологик параметрлар 90,9% ҳолатларда жигар эластография маълумотлари билан мос келди. Сурункали гепатит В+D да жигар эластографик маълумотлари гистологик параметрлар билан мос келди.

Шундай қилиб, жигар эластографияси усули билан деярли миқдорда ҳисобга олинмаган ЖЦ ни аниқлаш мумкин. Жигар эластографиясини сурункали гепатитнинг ЖЦ га ўтишининг прогностик маркери сифатида қўллаш мумкин.

Диссертациянинг «**Сурункали вирусли В ва D гепатитларни жигар циррозига айланиш ҳавфини генетик полиморфизмни инобатга олган ҳолда баҳолаш**» деб номланган олтинчи бобида, генетик полиморфизмни ҳисобга олган ҳолда, сурункали В ва D гепатитларнинг жигар циррозига зўрайиш ҳавфини баҳолаш натижалари кўрсатилган. IL28B генининг SNP rs8099917 нуқтали мутацияларини аниқлаш учун ПЗР усули ва рестрикция фрагментлар узунлигининг полиморфизми қўлланилди. Тадқиқот учун материал сифатида қоннинг лейкоцитларидан ажратилган ДНК ишлатилди. Этник хилма-хиллик билан боғлиқ ноҳўя таъсирларни бартараф этиш учун биз бир хил аҳоли ичида генетик ассоциацияларни таҳлил қилдик. Жами 253 та беморлар текширилди: эркаklar 138 (54,5%), аёллар 115 (45,5%). Беморларнинг ёши 17 ёшдан 56 ёшгача бўлиб, ўртача $36,5 \pm 2,8$ ёшни ташкил этди. СВГ бўлган беморлар 40 та, сурункали В+D гепатит - 23 та, HBV этиологияли ЖЦ 55 та, HDV этиологияли ЖЦ 135 та беморларни ташкил этди.

Соғлом одамларда Т-аллели мажор, G-минор бўлди. Соғлом шахслардан фарқли ўлароқ, сурункали гепатит билан касалланган беморларда ТТ генотипининг частотаси юқори бўлди (7-расм).




7-расм. Беморларнинг 3 гуруҳида IL28B гени генотиплари даражасини таққослаш

СВГ ва СВГ+D билан касалланган беморларда IL28B генотипларининг учраш частотаси таққосланганда ҳеч қандай фарқлар топилмади. СВГ ва СВГ+D да генотиплар асосан гомозиготли Т аллеллари билан ифодаланди (85,0% ва 87,0% тегишли равишда). IL28B полиморфизми ва гепатит В оқибатлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун HBV этиологияли ЖЦ

бўлган 55 та бемор текширилди. Эркаклар 34 (61,8%), аёллар 21 (38,2%) ни ташкил этди (8-расм).


Жадвалдаги маълумотларда, СВГ да ТТ генотипларининг ТГ генотипига нисбатан устунлиги ($P < 0,01$) қайд этилган. Гепатит В оқибатидаги ЖЦ да генотиплар частоталарининг ТГ генотипи сонининг ортиши томонига ўзгариши кузатилди. Сурункали гепатит В билан касалланган беморлар орасида ТТ нинг учраш частотаси HBV ЖЦ билан касалланган беморларга қараганда 1,3 баробар кўп бўлди. ЖЦ да ТГ СВГ га қараганда 2,3 баробар кўпроқ бўлди, $RR = 2,3$. HBV ЖЦ да ТГ ни аниқлаш хавфининг нисбати СВГ даги ТГ қийматидан 2 баробар кўпдир.



8-расм. СВГ ва HBV этиологияли ЖЦ беморлар гуруҳида IL28B генининг SNP rs8099917 генотиплари бўйича тақсимланиши

Бу ЖЦ да ТГ учраш хавфининг СВГ га нисбатан 2 баробар юқори эканлигини кўрсатади. HBV инфекцияси билан боғлиқ ЖЦ да IL28B генотипларининг жигар шикастланишининг чуқурлиги билан боғлиқлиги ўрганилди ва бунинг учун жигар шикастланишининг турли ифодаланишида генотипларнинг тақсимланиши кўриб чиқилди. Жигарнинг шикастланиш даражаси Чайлд-Пью шкаласи бўйича баҳоланди.


9-расмда келтирилган малумотларга қараганда, ЖЦ нинг ифодаланишининг кўриниши ва IL28B гени генотиплари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги кўриниб турибди, бу ТТ генотип частотасининг камайиши ва ТГ генотипнинг ортиши билан ифодаланади.



9-расм. HBV этиологияли ЖЦ беморлар гуруҳида IL28B генининг SNP rs8099917 генотиплари бўйича тақсимланиши

В синфда ТТ генотипда RR А синфдагига нисбатан 1,5 баробар кўпроқ аниқланди. IL28В генининг TG генотипида ЖЦ нинг оғир шаклларининг эҳтимоллик хавфи 3,2 баробар юқоридир.

IL28В ген полиморфизмини сурункали В+D гепатитнинг ЖЦ га зўрайишининг предиктори сифатида фойдаланиш имкониятини ўрганиш учун HDV этиологияли ЖЦ бўлган 135 та беморлар текширилди ва сурункали В+D гепатити бўлган беморларнинг гуруҳи билан таққосланди (10-расм). Расмдаги маълумотлар HDV ЖЦ да кўпроқ СВГ+ D га нисбатан гетерозигот мутант TG генотипининг ортиши ва гомозигот мутант GG генотипининг пайдо бўлишини кўрсатади. СВГ да IL28В генининг GG генотипининг пайдо бўлиши ЖЦ га ўтиш ножўя оқибатининг предиктори бўлиб ҳисобланиши мумкин.



10-расм. HDV этиологияли ЖЦ беморлар гуруҳида IL28В генининг SNP rs8099917 генотиплари бўйича тақсимланиши

ТТ ва TG генотиплар кўрсаткичи бўйича Дельта инфекциясида сурункали гепатитнинг ЖЦ га ўтиш эҳтимолини тахмин қилиш мумкин. СВГ+D га нисбатан TG генотип полиморфизмининг юқорилиги ва беморларнинг 4,4% да мутант GG генотипининг пайдо бўлиши диққатга сазовордир. HDV ЖЦ да ТТ нинг аниқланиш хавфи СВГ га ТТ га нисбатан RR=4,5 ни ташкил қилди. HDV ЖЦ да ТТ бўлмаган генотиплар (яъни, TG ва GG) СВГ+D бўлган беморларга нисбатан 2,8 марта тез-тез учрайди, яъни TG генотипи бўлган беморлар орасида ЖЦ нинг учраш хавфи СВГ+D бўлган беморларга нисбатан 2,8 баробар юқоридир, RR=3,69.

Генотипларнинг HDV этиологияли ЖЦ да жигар шикастланишининг ифодаланганлиги билан боғлиқлиги белгиланди. HDV этиологияли ЖЦ нинг А синфида ТТ нинг учраш частотаси В синфидаги ЖЦ дан юқори. Жараённинг кучайиб бориши билан гетерозигот TG генотипининг кўрсаткичлари ошади. Шундай қилиб, IL28В нинг гетерозиготли генотипи бўлган одамларда жараённинг зўрайишига мойиллик мавжуд, яъни ЖЦ нинг янада оғир кечиши кузатилади.

ЖЦ кўпроқ TG генотипи мавжуд бўлган шахсларда кўпроқ кузатилади, яъни гетерозиготли TG генотипининг мавжудлиги ЖЦ нинг ривожланиш хавфининг предиктори бўлиб ҳисобланиши мумкин. ЖЦ нинг оғир

шакллари нинг хавфи эҳтимоли IL28В генининг TG геноти пи мавжудлиги да юкори. Гепатит D да мутант гомозиготли GG генотипининг пайдо бўлиши CDГ нинг ЖЦ га ўтиш эҳтимоли билан боғлиқ.

